



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 2 (4)
2025**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 2-son 2025 yil

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

2

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2025

UDK: 818.213

BBK: 84.61

B- 29

Butun kuch va salohiyatimizni yagona ulug‘ maqsadimiz – Yangi O‘zbekistonni barpo etishga qaratamiz.

Yangi O‘zbekiston – bu, avvalo, yangi iqtisodiy munosabatlar, yangi iqtisodiy dunyoqarash demakdir.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti
Shavkat Mirziyoyev

Все свои силы и потенциал мы направим на достижение нашей общей великой цели - построение нового Узбекистана. Новый Узбекистан – это, прежде всего, новые экономические отношения, новое экономическое мировоззрение.

Президент Республики Узбекистан
Шавкат Мирзиёев

© Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti

© «KLASSIC PRINT» nashriyoti

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 2-son 2025 yil

Ilmiy-uslubiy jurnal 1.09.2022-yildan boshlab chiqa boshlagan, yiliga 6 marta chop etiladi.

Ta’sischi:

MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

Bosh muharrir

Bosh muharrir o‘rinbosari

Mas’ul kotib

i.f.d., prof. A.Qodirov

DSc, prof. X.X.Rejapov

DSc. K.A.Muxitdinova

Jamoatchilik kengashi:

Prof. I.U.Madjidov (rais), prof. Sh.Toshmatov, PhD E.Yodgorov, i.f.n., dots. A.T.Umarov, i.f.d., prof. A.Qodirov

Tahrir hay’ati:

Prof. Sh.O.Toshmatov, prof. A.Qodirov, prof. A.V.Vaxabov, prof. X.P.Abdulqosimov, prof. F.T.Egamberdiyev, prof. Sh.G.Yo‘ldashev, prof. A.M.Sodiqov, prof. Q.Muftaydinov, prof. K.Ubaydullayev, prof. Q.K.Mambetjanov, prof. I.Y.Umarov, prof. X.X.Rejapov, i.f.d. B.Tagayev, dots. A.T.Umarov, i.f.d. B.B.Baxtiyorov, i.f.d. K.A.Muxitdinova, dots. Sh.S.Nasretdinova, dots. B.B.Mullaboyev, dots. Z.Jumaqulov, dots. N.A.Artiqov, dots. D.I.Ro‘ziyeva, dots. A.Ambartsumyan, dots. R.Abdullayeva, dots. A.Boboyev, dots. N.A.Kudratxodjayeva, dots. M.I.Saidkarimova, dots. D.M.Yakubova, dots. N. Umarova

Tahririyat manzili:

10095, Toshkent - 95, Universitet ko‘chasi, 4. tel: (+99899) 821-20-72

Журнал сайти: **<https://journal.econuu.uz>**

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administrasiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikasiyalar agentligi tomonidan 17.07.2022-yilda № 4715-son bilan ro‘yxatga olingan.

Buyurtma: ISBN 978-9943-5256-3-4

Jurnal OAK ro‘yxatiga 2023 yil 1 iyuldan kiritilgan (OAK rayosat qarori 04.07.2023 yil № 340/5).

Jurnalda ma’lumotlar bosilganda dalillar ko‘rsatilishi shart. Jurnalda chop etilgan ma’lumot va keltirilgan dalilarning aniqligi uchun muallif javobgardir.

“Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti” №2. 2025

MUNDARIJA

Tilabov N.T. Tadbirkorlikni rivojlantirish – budget barqarorligini ta’milash garovidir.....	7
Qo‘chqarov I.X., Abulqosimov X.P. Xufyona iqtisodiyotning rivojlanishi sabablari va uning milliy iqtisodiy xavsizlikka ta’siri.....	11
Muxitdinova K.A. «Olmalik kon-metallurgiya kombinati» AJning investitsion salohiyatini baholashning ekotizimi.....	15
Mamadjonov Sh.I. Innovatsiyalar sharoitida tijorat banklarining kapitallashuvini oshirish masalalari.....	23
Толаметова З.А. Меҳнат салоҳиятининг миқдорий компонентлари ва унга демографик дивидентни таъсири.....	27
Gulmuratov S.N. Sirdaryo viloyatida xizmatlar sohasini rivojlantirishda tibbiyot turizmining ahamiyati.....	38
Муйдинов Э.Д. МХХС га ўтиш шароитида кичик ва ўрта бизнес корхоналарида аудитни ўтказиш услубиётини такомиллаштириш масалалари.....	43
Shadieva M.D. Korxonalarning tashqi bozordagi faolligini tahlil qilishda strategik menejment yondashuvlaridan foydalanish uslubiyoti.....	51
Махсудов Б., Касимова М. Корхоналарнинг ижтимоий масъулиятли фаолияти бюджетини шакллантириш тамойиллари.....	57
Abdul Jalil Mahama The nexus of maqasid al sharia and capital structure theory in Islamic finance implementation in a Non-Islamic economic.....	64
Saidova M.J. Biznes muhitini yaxshilashda institutsional islohotlarning o‘rni (Andijon viloyati misolida).....	70
Shukurov R.E. O‘zbekistonda oziq-ovqat sanoati korxonalarida ishlab chiqarish holati tahlili	75
Амбарцумян А.А., Ульмасова Н.Р. Цифровизация как драйвер внешнеэкономической деятельности Узбекистана.....	84
G‘aybullaeva Z.R. Tijorat banklarida qimmatli qog‘ozlarning o‘rni.....	91
Sonayev S.N. Sanoat korxonalarida resurs salohiyati xususiyatlari va tamoyillari.....	96
Zufarova G.A. Kambag‘allik va tengsizlik muammolari.....	100
Хўжамуродов А.Ж. Ўзбекистон иқтисодиёти трансформацияси жараёнида шаклланган фонд бозори инфратузилмаси таърифланишининг назарий жиҳатлари.....	104
G‘ulomova V.A., Nigmatova D.Z. Global savdoni rivojlanishida jahon savdo tashkilotiga a’zolikning roli: rivojlanayotgan mamlakatlar uchun qiyinchiliklar.....	110
Mirzayev A.T. Turizm xizmatlari bozorida turistik destinatsiyalar faoliyati tahlili.....	115
Saidova D.O. Tijorat banklari faoliyati samaradorligini takomillashtirishda G. Minsbergning “5P” strategiyasini qo‘llash uslubiyoti.....	120
Istamqulov D.Q., Danyarova F.B. Milliy iqtisodiyotga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish yo‘nalishlari.....	125
Ким Т.В., Абдиуалиева Г.А. Теоретические основы трудовой миграции.....	129
Захирова Г., Юсупова И. Роль государственной поддержки в сфере туризма.....	136
Бурнашева А.Д., Сабитов Р.А. Искусственный интеллект и проблемы безопасности в системе образования.....	141
Doniyev Sh.O‘. O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotga o‘tishining tamoyillari: Kelajak istiqbollari va mavjud muammolar.....	145
Базарова Ф.Т. Организация маркетинговой деятельности в легкой промышленности: Зарубежный опыт и его применение в Узбекистане.....	149
Ochilova M.N. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o‘tish jarayonlari tahlili.....	153
Boyev X.I., Adilov B.B. O‘zbekistonda aholi daromadlarini oshirish orqali kambag‘allik muammosini bartaraf etish.....	157
Abduraxmonov Sh.Sh. Mamlakatimiz iqtisodiyotida bandlikka ko‘maklashishda xususiy tadbirkorlik faoliyatining hozirgi holati.....	163

Абдуллоев А.Ж. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини йўналишлари.....	171
Ikramova K.Sh. Cultural policy and its impact on the management of cultural institutions: The impact of state and regional cultural policy on the development of cultural projects.....	176
Baxshilloev J.Sh. Turizmда sponsorlik marketingi: Yangi biznes imkoniyatlari va brendni tanitish.....	181
Turdiyeva M.U. To‘qimachilik korxonalarida innovatsion faoliyatni amalga oshirish xususiyatlari.....	184
Odinayeva N.F. Oliy ta’lim muassasalari boshqaruvini xalqaro standartlarga integratsiyalash imkoniyatlari tahlili.....	188
Эргашов Ё.С., Файзиева Ш.Р. Ўзбекистонда туризмнинг рақамли трансформацияси...	194
Rejapov X.X., Muxibillayev M.A. Xo‘jalik yurituvchi subyektlarning moliyaviy strategiyasi va uni ishlab chiqishning iqtisodiyotdagi ahamiyati.....	197
Тўлаков У.Т. Кўчмас мулкни солиққа тортиш модели.....	204

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИНГ
РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**РАЗВИТИЕ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И НАПРАВЛЕНИЯ ПОВЫШЕНИЯ ЕГО
КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ**

**DEVELOPMENT OF AGRICULTURE AND DIRECTIONS FOR INCREASING ITS
COMPETITIVENESS**

Абдуллоев Аслиддин Жунайдуллаевич

Бухоро давлат унверситети иқтисодиёт кафедраси мудир
и.ф.д., профессор

Аннотация

Мақолада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини йўналишлари таҳлил қилинган. Унда аграр соҳадаги ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг инвестицион самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг глобал рақобатбардошлиги кўрсаткичларини янада ошириш орқали жаҳон бозорларида муносиб ўрин эгаллаш, мамлакатнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга эришиш кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: аграр, ер ва сув ресурслари, қишлоқ хўжалиги, инвестицион, самарадорлигини ошириш, маҳсулот, глобал рақобатбардошлиги, жаҳон бозорлари.

В статье анализируются направления развития сельского хозяйства и его конкурентоспособности. На нем рассматривались вопросы рационального использования земельных и водных ресурсов в аграрном секторе, повышения инвестиционной эффективности отраслей сельского хозяйства, занятия достойного места на мировых рынках за счет дальнейшего повышения показателей глобальной конкурентоспособности сельскохозяйственной продукции, достижения полного использования потенциала развития сельского хозяйства страны.

Ключевые слова: аграрный сектор, земельные и водные ресурсы, сельское хозяйство, инвестиции, повышение эффективности, продукт, глобальная конкурентоспособность, мировые рынки.

The article analyzes the directions of development of agriculture and its competitiveness. It considered the issues of rational use of land and water resources in the agricultural sector, increasing the investment efficiency of agricultural sectors, taking a worthy place in world markets by further increasing the indicators of global competitiveness of agricultural products, achieving full use of the potential for the development of agriculture in the country.

Keywords: agricultural sector, land and water resources, agriculture, investment, efficiency improvement, product, global competitiveness, world markets.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ этиш, ушбу соҳада давлат бошқарувини тизимини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида вужудга келаётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида бозор механизмини босқичма-босқич татбиқ этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш, сотиш билан шуғулланувчи агробизнес вакилларининг иқтисодий муносабатлардаги иштироки бўйича ҳуқуқий асосни такомиллаштириш ва уларни янада мустаҳкамлаш, аграр соҳага жалб этилаётган инвестициялар ҳажмини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларини жаҳондаги етакчи технологияларга асосланган ҳолда, замонавий техник

воситалар билан куролланган агрокластерларни шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган амалий ишларга устуворлик қаратилмоқда. Республикада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислохотларни узоқ муддатли истиқболда янада чуқурлаштириш, уларни тизимли равишда амалга ошириш, жумладан, аграр соҳадаги ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг инвестицион самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг глобал рақобатбардошлиги кўрсаткичларини янада ошириш орқали жаҳон бозорларида муносиб ўрин эгаллаш, мамлакатнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга эришиш, каби қатор муаммоларни ижобий ҳал этиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси” [1] қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармонида мувофиқ қабул қилинган стратегиянинг бош мақсади қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, қулай агробизнес муҳитини ва юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, кооперация муносабатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, соҳага бозор механизмларини, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳамда кадрлар салоҳиятини оширишдан иборат.

Шунингдек, ушбу мақсадга эришишда стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб берилган: [2]

- озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рационини яхшилаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни назарда тутувчи озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;

- қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция капитали оқимини кўпайтиришни назарда тутувчи соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш механизмларини жорий қилиш;

- ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилона фойдаланишни назарда тутувчи табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви тузилмасини реструктуризация қилиш ва янада ривожлантиришни назарда тутувчи бошқарувнинг замонавий тизимларини ривожлантириш;

- фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори қўшилган қиймат яратишга қаратилган тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш орқали давлат харажатлари самарадорлигини ошириш ва босқичма-босқич қайта тақсимлаш;

- қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашган билим ва маълумотларни тарқатишнинг самарали шакллари қўллашни назарда тутувчи илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш;

- қишлоқ жойларини мувозанатли ва барқарор тараққий эттиришга кўмаклашишни назарда тутувчи қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш;

- замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг ишончли услубларини жорий этишни назарда тутувчи тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини яратиш.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифалар, стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, аввалги бўлимда амалга оширилган регрессив-корреляцион таҳлил натижаларига

асосланган ҳолда, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланишда агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга устуворлик қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Сўнгги йилларда республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашувини янада чуқурлаштиришга қаратилган ислохотларни амалга оширилиши ҳудудий агрокластерларни шакллантириш учун тегишли шарт-шароитларни яратади.

Агрокластерларни шакллантириш ва улар фаолиятини ривожлантиришнинг тараққий этган мамлакатлар амалиёти таҳлили кўрсатишича, ушбу мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда инновацион ишлаб чиқариш технологияларига асосланган, замонавий техника-технологиялар билан жиҳозланган агросаноат кластерлари фаолияти сезиларли даражадаги салмоққа эга ҳисобланади. Жумладан, АҚШнинг Калифорния, Вашингтон, Ок-лахома, Луизана штатларида дунёдаги энг йирик ҳудудий агрокластерлар жойлашган бўлса, Европа Иттифоқи мамлакатларида (Германия, Франция, Италия, Болгария, Греция, Голландия, Англия, Швейцария, Дания ва бошқа мамлакатлар) юқори технологияли агрокластерларни ривожлантиришга устуворлик қаратилади. Сўнгги йилларда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, Хитой, Сингапур, Япония ва шу каби бошқа мамлакатлар амалиётида агрокластерлар фаолиятини ташкил этишнинг инновацион ва ҳудудий шаклланининг аралаш ҳолда қўллаш орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган ислохотларга устуворлик қаратилиб келинмоқда. [5]

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишнинг ҳукукий-институционал асослари, қишлоқ хўжалигини ривожланиш тенденцияларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, республика виждотлари қишлоқ хўжалигини кластеризациялашнинг икки даражали бозор механизмини таклиф этамиз (1-расмга қаранг). Бунда биринчи даражадаги белгиланган устувор йўналишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4709 сонли Қарорида [3] ҳам белгиланган устувор вазифаларни самарали ҳал этиш имконини беради.

1 даража

ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашув йўналишларини аниқлаш;

аниқланган юқори ихтисослашув даражасига эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишларининг нисбий рақобат устунликларини қиёсий таққослаш;

ҳудудий агрокластернинг ресурс таъминоти бўйича тармоқларини аниқлаш;

ҳудудда агрокластернинг марказий бошқарув корхонасини белгилаш

2 даража

ҳудудий агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш ва уни ривожлантириш бўйича молиявий ресурс таъминотини белгилаш

ҳудудий агрокластер фаолиятини инновацион ривожланиш бўйича маҳаллий ва хорижий олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари билан инновацион ҳамкорлик шартномаларини тузишни рағбатлантириш;

ҳудудий агрокластерда инновацион лойиҳаларни амалга оширилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

ҳудудий агрокластернинг глобал рақобатбардошлик индексини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш

1-расм. Республика вилоятларининг қишлоқ хўжалиги тармоқларини кластеризациялашнинг икки даражали бозор механизми

Шунингдек, ҳудудларда агросаноат мажмуаларини кластерлаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни ҳам ўз вақтида ва самарали бўлишини таъминлайди. 2

даражадаги белгиланган устувор йўналишлар эса, мамлакатда “SMART қишлоқ хўжалиги” технологияларини ривожлантириш стратегиясида [2] ва 2021-2025 йилларда қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини устувор ривожлантириш концепциясида [4] белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда юқори самарадорликка эришиш имконини беради. Таклиф этилаётган республика ҳудудларини агрокластеризациялашнинг икки даражали бозор механизми асосида вилоятларда агрокластерлар фаолиятини ташкил этишнинг ҳудудий-инновацион моделини ҳам таклиф этамиз (2-расмга қаранг).



2-расм. Республика вилоятлари қишлоқ хўжалигини кластеризациялашнинг ҳудудий-инновацион модели

Бунда вилоятлар кесимида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, жумладан, уларни глобал даражадаги рақобатбардошлик индекси кўрсаткичларини ҳам мунтазам равишда такомиллаштириб бориш имконияти вужудга келади.

Мазкур вазиятдан келиб чиққан ҳолда, таклиф этилаётган агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ҳудудий-инновацион модели давлат ва хусусий шериклик тамойилига асосланиши лозим бўлади. Бу орқали қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишда давлат молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ортади. Фикримизча, кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш учун қуйидагиларни чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, жумладан, қишлоқ хўжалигида импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш;
- мамлакатда қулай агробизнес муҳитини шакллантириш, қишлоқ хўжалигида юқори қўшилган қиймат занжирини шакллантириш;
- табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларини коммерциализация қилинишини таъминлаш;
- қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, жумладан, суғориш технологияларини такомиллаштириш ва замонавий техникалар билан қуроллантириш;
- қишлоқ хўжалигида давлат бошқарувини босқичма-босқич камайитириш асосида бозор механизмининг татбиқ этиш жараёнларини жадаллаштириш;
- қишлоқ хўжалаги тармоқлари, жумладан, тармоқни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат хизматларини диверсификациялаш жараёнларини чуқурлаштириш;
- қишлоқ хўжалигида илм-фан соҳасидаги ютуқларни амалиётга татбиқ этилишини рағбатлантириш;
- қишлоқ хўжалигининг инвестицион самарадорлигини ошириш бўйича узоқ муддатли истиболга мўлжалланган стратегик дастурни ишлаб чиқиш;
- бошоқли дон етиштиришда давлат интервенцион харидлар тизимини жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини давлат томонидан тартибга солиш механизmidан босқичма-босқич воз кечиш ҳамда бошоқли донни квота асосида бозор нархларида сотиб олиш механизмининг жорий этиш;
- соғлом истеъмол маданиятини тарғиб қилиш бўйича узоқ муддатли дастур ишлаб чиқиш;
- халқаро даражада тан олинган услубиятлар ва илғор тажрибалар асосида озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш тизимини жорий қилиш ҳамда доимий мониторинг қилиш;
- агрокомплексларнинг марказлашган бошқарувини бекор қилиш (бошқарув жараёнининг децентрализациялашуви);
- давлат ва хусусий шериклик асосида ташки этилган агрокластерларни босқичма-босқич хусусийлаштириш ва мустақил юридик шахсларга айлантириш;
- агрокластер иштирокчилари ўртасида ўзаро умумий иқтисодий манфаатдоликни шаклланишига эришиш;
- агрокластерларни шакллантиришга мавжуд имкониятларни тўлиқ йўналтириш. Масалан, ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари мавжуд бўлмаган ҳолда, олий ўқув юр்தларининг илмий салоҳиятидан фойдаланиш;
- агрокластерларни инновацион технологиялар асосида ташкил этиш;
- агрокластерларнинг узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш, уни амалга оширилиши бўйича мониторинг қилиш тизимини йўлга қўйиш ва ҳ.к.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони. <https://www.lex.uz/docs/4567334>
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуи ва қишлоқ хўжалигида рақамлаштириш тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 794-сонли Қарорига 1-илова, 17.12.2020 й. <https://lex.uz/docs/5179198>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 майдаги “Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4709 сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/4810300>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февральдаги “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-6159-сонли Фармонига 1-илова.
<https://lex.uz/docs/5262596>
5. Лисин М. Н. Создание инфраструктуры регионального кластера субъектов малого предпринимательства АПК в форме аграрного инфраструктурного парка // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2013. № 4. С. 83.

UDK: 338.465.2

CULTURAL POLICY AND ITS IMPACT ON THE MANAGEMENT OF CULTURAL INSTITUTIONS: THE IMPACT OF STATE AND REGIONAL CULTURAL POLICY ON THE DEVELOPMENT OF CULTURAL PROJECTS.

MADANIY SIYOSAT VA UNING MADANIY MUASSASALARNI BOSHQARISHGA TA'SIRI: DAVLAT VA MINTAQAVIY MADANIY SIYOSATNING MADANIY LOYIHALARNI RIVOJLANTIRISHGA TA'SIRI.

КУЛЬТУРНАЯ ПОЛИТИКА И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА УПРАВЛЕНИЕ УЧРЕЖДЕНИЯМИ КУЛЬТУРЫ: ВЛИЯНИЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ И РЕГИОНАЛЬНОЙ КУЛЬТУРНОЙ ПОЛИТИКИ НА РАЗВИТИЕ КУЛЬТУРНЫХ ПРОЕКТОВ.

Ikramova Kamola Shahitovna Independent researcher of the Department of Innovative Management of the Tashkent State Industrial University

Annotation:

This article discusses and discusses cultural policy and its significant impact on the management of cultural institutions, as well as the impact of state and regional cultural policy on the development of cultural projects.

Keywords: Political culture, Parochial, administrative structures, economic indicators, archaeological artifacts, comprehensive measures, self-organization, scientific-historical approach, economic reasons, national culture.

Ushbu maqolada madaniy siyosat va uning madaniyat muassasalarini boshqarishga bo'lgan katta ta'sirini va shu bilan birga Davlat va mintaqaviy madaniy siyosatning madaniy loyihalarni rivojlantirishga ta'siri haqida so'z yuritiladi va muhokama qilinadi.

Kalit so'zlar: Siyosiy madaniyat, Paroxiya, ma'muriy tuzilmalar, iqtisodiy ko'rsatkichlar, arxeologik artefaktlar, kompleks chora-tadbirlar, o'z-o'zini tashkil etish, ilmiy-tarixiy yondashuv, iqtisodiy sabablar, milliy madaniyat.

В этой статье рассматривается и обсуждается культурная политика и ее большое влияние на управление учреждениями культуры, а также влияние государственной и региональной культурной политики на развитие культурных проектов.

Ключевые слова: Политическая культура, приходские, административные структуры, экономические показатели, археологические артефакты, комплексные мероприятия, самоорганизация, научно-исторический подход, экономические причины, национальная культура.

Cultural Policy Research (or Cultural Policy Studies) is a field of academic inquiry that grew out of Cultural Studies in the 1990s. A quarter of a century later, by now both “Cultural Policy Research” and “Cultural Policy Studies” each match almost 100 million entries in the World Wide